O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi
Abu Rayhon Beruniy nomidagi Sharqshunoslik instituti

O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi
Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti

«SHARQSHUNOSLIK SOHALARINI TADQIQ ETISHNING DOLZARB MASALALARI» MAVZUSIDA YOSH SHARQSHUNOSLARNING AKADEMIK UBAYDULLA KARIMOV NOMIDAGI XIX RESPUBLIKA ILMIY–AMALIY KONFERENSIYASI

TO‘PLAMI

«FAN»
Toshkent – 2024

UO‘K 314.151(575)(08)
KBK 607(543)
Y 83

«Sharqshunoslik sohalarini tadqiq etishning dolzarb masalalari» mavzusida Yosh sharqshunoslarning akademik Ubaydulla Karimov nomidagi XIX respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi to‘plami. – Toshkent: «Fan» nashriyoti, 2024. – 286 b.

Taqrizchilar:
O‘ktambek Sultonov – tarix fanlari doktori, professor.
Sherali Qo‘ldoshev **–** tarix fanlari nomzodi, dotsent.

Tahrir guruhi:
Laziz To‘rayev – tarix fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD), Akbar Idiyev, Maftuna Mirzayeva, Sherzod Karimov, Dostonjon Tojiyev, Farrux Kamoliddinov.

Ushbu to‘plamda qadimgi davrdan bugungi kungacha bo‘lgan sharqshunoslik sohasidagi dolzarb masalalar, tarix fani oldida turgan muammolar va ularning yechimlari, tarixshunoslikka oid tadqiqotlar, til, adabiyot hamda manbashunoslik masalalari, Sharq rennesansi davri allomalari ilmiy merosining o‘rganilishi, qadimiy yozma manbalarning muomalaga kiritilishi kabi masalalarga qaratilgan tadqiqotlar o‘rin olgan. To‘plam sharqshunoslar, tarixchilar, adabiyotshunoslar, tadqiqotchilar va keng kitobxonlar ommasi uchun mo‘ljallangan. To‘plam tarkibidan o‘rin olgan maqolalar mualliflarning ilmiy tadqiqot natijalari va shaxsiy ilmiy qarashlarini o‘zida aks ettiradi.

O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi Abu Rayhon Beruniy nomidagi Sharqshunoslik instituti Ilmiy kengashining 2024-yil 3-maydagi 5-sonli majlisi qarori asosida nashrga tavsiya etilgan.

© Abu Rayhon Beruniy nomidagi Sharqshunoslik instituti.
© Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti.
© «Fan» nashriyoti, 2024.

ISBN 978-9910-9030-5-2

ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙНИНГ “АЛ-ФУРУҚ” КИТОБИДА ҚИЁС – ФИҚҲИЙ ДАЛИЛИ БАЁНИ

Усмонов Иброҳим Собирович
Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти
докторанти, тарих фанлари номзоди, доцент.
i.usmanov@yahoo.com

QIYAS IN THE BOOK "AL-FURUQ" BY al-HAKIM at-TIRMIDHI

Usmanov Ibrahim
Postdoctoral researcher of Al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scinces, PhD in History, Docent.
i.usmanov@yahoo.com

Abstract. *The article analyzes the conclusions of the famous Sufi al-Hakim at-Tirmidhi on usul al-fiqh. al-Hakim at-Tirmidhi raises the issue of harmonizing Sufi views in issuing jurisprudential rulings. The article discusses at-Tirmidhi's opinions, arguments, conclusions and recommendations regarding qiyas, an important source of Islamic law.*

Ҳаким Термизийнинг (ваф. 932 й.) луғатшуносликка оид “ал-Фуруқ ва манъ ат-тародуф” асарида 156та синоним деб ҳисобланадиган сўзларнинг маъновий фарқларини тасаввуфий ёндашув асосида ёритиб беради. Биринчи қарашда маънолари бир ёки яқин бўлган сўзлар Ҳаким Термизий шарҳлари асосида тамомила фарқли экани намоён бўлади. Бу фарқларни далиллашда у Қуръон ва ҳадис матнларидан фойдаланади. Олим сўзларнинг маъносига кўра фарқларини ёритишда қалб ва нафс зиддиятини асос қилиб олади. Асарда маънодош сўзлар тубидаги яширин маъноларнинг маънавий-ахлоқий тамойиллар асосида очиб берилиши натижасида сўзлар ижобий ёки салбий маъно касб эта бошлайди.

Мазкур асарида Термизий қиёс фиқҳий категорияси бўйича ўз қарашларини ифода этади. Асарнинг энг охирги 156-боби “Муқояса ва мушокала ўртасидаги фарқ” деб аталган. Бобнинг ичида яна иккита бўлим бор: “Яна бир масала: қиёс қилган ва мушокала қилган кимса” ҳамда “Бошқа масала”. Мазкур боб ва унинг бўлимларида фиқҳий қиёснинг методологик жиҳатлари, фақиҳларнинг қиёсни амалиётда қўллашдаги камчиликлари муҳокама қилинади. Мавзуни очиб беришда ўз давридаги реал мисоллар ва уларнинг тўғри ечими бўйича ўз хулосаларини беради. Ҳаким Термизий қиёсни ислом ҳуқуқининг муҳим манбаси сифатида эътироф этади. Аммо ўз муҳитидаги фақиҳларнинг

қиёсларига эътирозларини билдириб, ҳақиқий қиёс ва қиёс қилувчи фақиҳнинг сифатларини баён қилади.

Ҳаким Термизийга кўра, фаросат нури билан ҳикмат асосларини кўра билган банда тўғри қиёс қилади. Унга фуруъ масалалар келтирилса, унинг асосларини ва қаердан тармоқланганини билади. Дарҳол масалани унинг аслига қайтаради, мана шу муқойис – қиёс қилувчидир. Мушокала қилувчи эса бир-бирига шаклан ўхшаш фаръий масалаларни олиб мушокала қилади. Масалани унинг аслига қайтармайди. Термизийга кўра, “шу жойда фаръий масалаларни бир-бирига улаб, ҳукм чиқарадиган мутафаққиҳ (сохта фақиҳ)ларнинг хатолари кўпайди. Ҳукмни қандай чиқардинг, дейилса, “қиёс қилдим” дейди. “Нимага қиёс қилдинг?” дейилса, бирор бир фаръий масалани кўрсатади. Унга айт: “Сенг мушокала қилдинг, Қуръон ва суннатдан асл керак менга... Сен масалани ўртасидан оляпсан, негизидан эмас. Худдики, кийими ўхшаш бегона бир болани кўриб, бу менинг хизматкорим деяпсан... Кийими ўхшаш бўлса бу сенинг хизматкоринг дегани эмас” [1: 260-261]. Термизий мушокил фақиҳ ҳам худди шундай шаклан ўхшаш масалаларни солиштириб, ўзича қиёс қилдим, деб, ҳукм чиқаради, деб ҳисоблайди. Зеро: “Илм – шариат ариғидан, ҳикмат эса – маърифат денгизидандир. Қиёс – зоҳир ва ботин илмларини жамлай олган кишида бўлади, унга ҳаким олим дейилади. Унга Аллоҳ икки хил илмни берган. Ана шу кишигина қиёс қилишга ҳақлидир. Фаръий масалада зоҳирий илми билан изланади, савоб ва уқубатга олиб борадиган айрилиш йўлига келганда тўхтаб қолади. Ҳикмат нури билан масаланинг аслига етиб боради ва ҳалиги фаръий масалани асл билан рўбарў қилади. Кимгаки, ҳикмат нури берилмаган бўлса, айрилиш йўли олдида тўхтаб қолади, сўнгра мушокала қилиб, гоҳо савоб ва гоҳо уқубатга олиб борадиган, баъзан тўғри, баъзан нотўғри ечимларга келади” [1: 280-282]. Шу ўринда Термизий зоҳирий илмни шамчироққа, ҳикмат илмини қуёшга ўхшатади. Илмга таълим олиш билан етишилса, ҳикматга Илоҳий иноят билан эришилиши айтилади: “Кимга Аллоҳ ҳикматни беришини истаса, унга жой поклаб қўйсин, сўнгра Аллоҳга тазарру қилиб, ҳақиқий рағбат билан юзлансин. Агар, қандай қилиб унга жой поклаб қўйилади? деб сўралса, “Барча ўз хоҳиш-истакларини Аллоҳнинг иродаси йўлида тарк этади. Аллоҳнинг унга нисбатан аён бўлган хоҳишларини кузатади, барча ишларида уни таъзим билан қабул қилиб олади. Энди бу банда тақво, зуҳд ва бандаликни жамлади. Унинг имони ва исломи ҳақ бўлди. Энди Мавлосидан яхшилик ва лутфга сазовор бўлди. Шунда Аллоҳ унга ҳикматни ато этиб, унинг нури билан тақдирлар кунидаги (йавмул мақодир) тадбирлар манбасига уни етказди. Бу даражага Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам замонларида Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али, Муоз ибн Жабал, Абу Убайда, Ибн Масъуд розияллоҳу анҳумлар мансуб эдилар” [1: 280-282].

Шундан сўнг Термизий аҳли раъйнинг қиёси ҳақида тўхталиб ўтади: “Бизнинг замонамизда аҳли раъй ўз қиёсларида камчиликларга ўралашиб қолдилар. Чунки улар мушокала қилиб, уни қиёс деб атадилар. Кимда ҳикмат нури бўлмаса, қиёсга мурожаат қилмасин, зеро ҳикмат нуригина сени масаланинг туб моҳиятига олиб боради. Илм нури эса белгиларнинг нозик жиҳатларини кўрсатиб берадиган қувватга эга эмас”. Термизий аслида раъй нима эканини ҳам асарда эслатиб ўтади: “Раъй – ишларида шаҳватлари сўнган, гўллик тутунлари тарқалган, енгилтаклиги ва нодонлиги тинган бандада бўлади. У ишларни ақли билан тадбир қилади. Тадбир қилиш шуки, рўбарў бўладиган ишни чамалаб кўриб, унинг ортидаги оқибатларига назар солишдир. Ақл нури билан унга оқибатлар кўринса, мана шу раъйдир [1: 260-261]. Раъйнинг зидди эса ҳавойи нафсдир”.

Ҳаким Термизий асарда қиёс орқали нотўғри чиқарилган ҳукмлардан намуналар келтиради: “Унга бир киши деди: “Бизга қиёс ва мушокала қилиб чиқарилган ҳукмлардан масалалар келтир. Деди: “Рўзадор унутиб таомланиб қўйса, Абу Ханифа “агар далил бўлмаганда, қиёс қилиб, оғзи очилди, дер эдим” деган гапи. Ёки намозни таҳлил (ла илаҳа иллаллоҳ), таҳмид (ҳамд айтиш), тасбиҳ билан бошлаш жоизлиги, ҳадисда келган далил асосида савдодаги хиёрнинг 3 кун экани, ундан ортиқ бўлмаслиги, ҳадисда баён қилинган далил асосида хурмо набизига таҳорат қилишни жоиз деб, майиз набизига эса рухсат берилмагани ва бошқа” [1: 271-274]. Термизий охирги иккита масала бўйича ўз аниқ хулосасини ифода этмаса-да, аммо хиёрнинг муддати ва майиз набизи билан таҳорат қилиш бўйича ўз хулосаси борлигини тушуниш мумкин.

Ҳаким Термизий бир тўғри ҳукмдан қиёсни нотўғри қўллаш орқали бошқа бир хато ҳукм чиқариш масаласини очиб беради. Бу ерда фақиҳлар йўл қўядиган асосий камчиликларни қайд этади. Мисол учун, ҳадисдаги далил асосида рўзадор унутиб еб-ичиб қўйса, рўзаси бузилмаслиги ҳақидаги ҳукмга таяниб, рўзадорлигини унутиб аёлига яқинлик қилганнинг ҳам рўзаси очилмаслиги ҳукмининг чиқарилишини таҳлил қилади. Бу ўринда еб-ичиш ва яқинлик қилишнинг бир-бирига ўхшатилиши, Термизийни қаноатлантирмайди. Термизий бу маслани “ҳадисдан ундаги йўқ нарсани чиқариш”- деб баҳолайди. “Ёки вафот этган киши номидан ҳаж қилиш масаласи, ҳадисдан далил бўлгани учун жоиз деб, ундан “маййит номидан рўза ва намоз ҳам жоиз” деган масалани чиқардилар. Бошқалари “ҳаждан бошқаси жоиз эмас”, деб, уни садақага ўхшатдилар. Ваҳоланки, (маййит номидан) ҳаж қилиш садақага қиёсан эмас, балки қарзга қиёсан жоиздир” – деб масаланинг асли қаерда эканига ишора қилади. Зеро, Ҳаким Термизийга кўра ҳаж инсон зиммасидаги қарз. Қарз эса меросхўрлар томонидан адо этилгани сингари, ҳажни ҳам шу тарзда адо этиш жоиз, деб ҳисоблайди. Бу масалада машҳур фақиҳ Абу Зайд Дабусий ҳам шу фикрни қўллайди [2: 270].

Ҳаким Термизий мушокалачи фақиҳлар йўл қўяётган хатоларининг негизини қидиради: “Аҳли мушокаланинг нуфузлари йўқ, шунинг учун ҳам хатолари кўп, фуруъ масалаларида ихтилофлари бисёр. Нуфуз нубувват аҳлида, улардан сўнг Аллоҳнинг хос бандалари ва валий-лардадир. Улардан мисоли Абу Бакр ва Умар (р.а.) ҳамда Пайғамбар (а.с.)нинг пешво саҳобийлари. Улар масалаларни аслига қайтариб, куч олардилар” [1: 271-274].

Шундан сўнг Ҳаким Термизий халифа Умар (р.а.)ни алоҳида зикр қилади. У зотнинг Қуръон ва суннатда топилмаган масалалар бўйича қатор ислоҳотларини зикр қилиб, улар “ҳозирга қадар” умматга суннат бўлиб қолганини қайд этади. Бу билан Ҳаким Термизий қиёс аҳли учун Ҳазрати Умар мисолида эталон тақдим этмоқчи бўлади.

Асарда Термизий амалий масалалар муҳокамасига ҳам ўтади. Жумладан, рисоланинг “Қиёс қилган ва мушокала қилган” номли бўлимида намоздаги биринчи қаъдани тарк қилинса, саждаи саҳв қилиниши масаласини ҳаждаги икки тавофга қиёс қилиш нотўғри эканининг услубий жиҳатлари очиб берилган. Термизийга кўра, “ҳаждаги биринчи тавоф гарчи ҳадисларда зикр қилинса-да, у ҳаждан эмас. Жаъфар ўз отасидан, у Жобир бин Абдуллоҳдан ривоят қилган ҳадисда “Пайғамбар алайҳиссалом ҳаж қилганларида, Маккага кириб ҳаж ва умрага тавоф қилганлар” дейилган. Бу Пайғамбар алайҳис-саломнинг Аллоҳнинг байтига ҳурмат юзасидан қилган тавофлари холос. Намоздаги таҳрим, қиём, қироат, рукуъ, сажда, қаъда намознинг рукнлари, улар Қуръонда зикр этилган. Сано, қаъда,тасбиҳ, ташаҳҳуд суннат ўлароқ зиёда қилинган, улар рукн эмас. Пайғамбар алайҳиссалом Мадинага келганларидан кейин пешин, аср, хуфтон икки ракъат зиёда қилинди, шом эса яна бир ракъат қўшиб, тоқ ракъатли қилинди. Кейин эса витр намози Аллоҳнинг амрига биноан қўшилди, у нафллар каби эмас, ким уни вақтида адо этмай қолса, уни қайта ўқийди” [1: 274-278]. Демак, Ҳаким Термизий бу ўринда қиёсни амалга оширишдаги услубий хатони танқид қилади. Айтадики, “бу мушокала, чунки бу ерда масала ўз аслига қайтарилмаган, балки бир шахобча бошқа шахобча масала билан солиштирилган”. Бу ерда масаланинг яна муҳим бир жиҳати шундаки, Термизий бир неча ҳадис ривоятларида келган биринчи тавоф ҳақидаги маълумотни текшириб чиқади ва ровийнинг ўз тасаввуридаги ҳолат ҳадисга кириб қолганини аниқлайди. Яъни ҳадиснинг матн ва мазмунига танқидий ёндашади. Термизий Қуръонда фақатгина бир тавоф зикр қилинганини, ҳадис ровийлари эса Пайғамбарнинг Маккага кирган вақтдаги тавофларини баъзилари ҳаж тавофи, баъзилари умра тавофи ва ҳатто икковига бир тавоф деб таъвил қилганлари, ваҳоланки бу тавоф Каъбани кўрганлари учунгина қилган тавофлари бўлганини, бу тавоф ҳаж таркибидан эмаслигини айтади. Зеро, бошқа ҳадисларда “Мен ҳаж учун тавоф қилдим” ёки “(биринчи) тавоф бундай қилинади” деганлари кузатилмаган, бошқа бирор мавқифда тўхтаганлари ҳам зикр қилинмаган” [1: 275] -дейди.

Ҳаким Термизий ҳанафий мазҳаби фақиҳларининг айрим камчиликларини муҳокама қилганда, уларга қарши чиқмайди балки айрим масалаларни ислоҳ қилишга ҳаракат қилади. Ўзининг ҳанафийликка монанд фикрларини доим қайд этиб боради. Жумладан, рисолада “Имон – бандаларнинг қалб билан билиши ва тил билан ошкора қилишини тақозо қилади” [1: 284] - деб қатъий таъкидлайди.

Ҳаким Термизий ёзади: “Мушокалани қиёс деб юрганларнинг бошқа масалаларини ҳам зикр қилинг, дейилса, “намозни форс тилида ўқиш жоиз” деган гаплари мисол. Буни айтганлардан ҳужжат сўралса, “қиёс қилдик, зеро кўрдикки, форс тилида имон келтирса, мўмин бўлади, форс тилида талбия айтса, эҳромга киради, қурбонлик қилишда Аллоҳ номини форсчада тилга олса ҳам ҳалол бўлади, намозга киришда форс тилида айтса намозга кирган ҳисобланади” – дейдилар. Шундан кейин Термизий оятлар билан Қуръон араб тилида нозил бўлганини, ажам тили унинг маъносини ифода эта олмаслигини, форс тилида ўқишни жоиз деганлар, Аллоҳдан нозил қилингандан бошқа нарсаларни, яъни одамларнинг гап-сўзларини ҳам ўқиш жоиз деган бўлади, деб огоҳлантиради. Сўнгра якуний хулоса қилади: “У ҳолатда, хоразмий, туркий, хитой тиллари, Шом ва Ироқ аҳлининг иброний, сурёний, ҳимёрий тилларида ҳам жоиз бўлиши керак. Агар қиёс қилганда эди, бундай демасди. Лекин мушокала қилди – нарсаларнинг моҳиятини билмаган ҳолда бир-бирига солиштирди. Банда ўзига туюлган ягона иллат асосида нарсаларни бир-бирига ўхшатса, адашишга гирифтор бўлади. Аллоҳ Қуръоннинг шаънини буюк қилди, чунки у Раб гапирган каломдир, сўнгра уни бандаларига нозил қилди. Сен Аллоҳ ажамийда эмас, араб тилида туширган Қуръонни, тиловат қилишга буюрилгансан” [1: 282-283].

Шундан сўнг Термизий фақиҳнинг бир қиёсига манба қилиб кўрсатган беш масалани таҳлил қилиб, услубий хатоларни очиб беради: “Яна бир масала: улар айтадиларки, бир киши айтса-, “агар бир аёлга уйлансам, у талоқдир”, деса, талоқ тушади! Уларга айтдик: “агар бегона аёлга сен талоқсан, десачи?” айтдиларки, “тушмайди”, чунки никоҳ – боғлашдир, талоқ эса ўша боғланган нарсадан қўйиб юборишдир, боғланмаган нарсани қандай қилиб қўйиб юбориш мумкин. Шунда дедик: “Агар бегона аёлга “сен эртага талоқсан” десаю, эрта келгунча уйланиб олсачи?” Дедилар: “Унда талоқ тушмайди, чунки у талоқни эртасига белгилаган, бу сўзлар ҳали боғланиш содир бўлишидан олдин айтилган”. Унда “агар сенга уйлансам, талоқсан” десачи?” Айтдилар “талоқ тушади”. Шунда “ахир бу сўзлар ҳали боғланиш содир бўлишидан олдин айтилдику!”, дедим “олдинги масалалардан нимаси фарқланади”. Шунда “қиёс асосида”, деб нимага қиёс қилганини келтирди: “1)Бир киши еридан униб чиқадиган нарсани фалончига васият қилиб, вафот этиб кетди. Экинлар ҳали унинг мулки эмас эди. Аллоҳ уни ўстирди. Бу масалани ўтган замонда айтилган бўлса-да, жоиз ҳисоблайсан. 2) Бир киши вафотидан кейин барча хизматкорларини озод қилишни айтади,

вафот этганда барча хизматкорлар озод бўлади. 3) Бир киши иккинчисига менга қул сотиб ол, сўнгра уни мени номимдан озод қил, деса, унинг айтганини қилса, қулни озод қилиш жоиз, гарчи у ҳали унинг мулкига ўтган замонда ўтмаган бўлса-да. 4) Шу каби, бир киши “бу молни музорабага ол, нима фойда қилсанг, ишлатавер” деса. 5) Бир киши чўрисига “агар ўғил туғсанг, у озод”, деса, лекин чўри ҳали ҳомиладор эмас. Бир неча йиллардан кейин туғса ҳам бола озод бўлади. Бу айтилган масалалар айтилган пайтда бўлмаган, лекин вожиб бўлган” [1: 290-691]. Шундан сўнг Ҳаким Термизий бу масалаларни бирма-бир услубий жиҳатдан таҳлил қилади: “Бу узоқ масалаларни бир-бирига ўхшатиш, (юқоридаги) талоқ масаласидан ҳам йироқ. Васиятнинг ҳукмини Аллоҳ Қуръонда келтиргани учун вафотидан кейин адо этилади. Сотиб олинган қулнинг озод бўлиши эса, у мулкка айлангандан кейин содир бўлади. Мудораба молини ишлатавериш эса, мол эгасининг умумий рухсат бериши, асло тамлик (мулкка айланиш) эмас. Чўрининг эгаси ўғил туғсанг, у (фарзанд) озод дейилгани, бола туғиладиган вақтда амал қилади. Бола ҳали туғилмасиданоқ у эгасининг мулки. Бу масала асло талоқ масаласига ўхшаш эмас. Юқоридаги талоқ масаласи эса ҳали аёл унинг танмаҳрамлигига (тасарруфига) ўтмай туриб, бериляпти. Ваҳоланки никоҳ *қобилту* (мен қабул қилдим) сўзидаги *–ту* (-дим) билан амалга ошади. Шундай экан бу масалаларни аслиятига қайтарилмас экан, бекор ва хато гап бўлади. Натижада мулк бўлган ва бўлмаган нарсалар ўзаро солиштирилади ва шунга яраша (хато) ҳукм қилинади [1: 292-295]. Яъни Ҳаким Термизий бу мисол орқали қиёснинг бошқа фаръий масалалар асосида ноўрин қўлланилиши хато ечимга олиб келишини кўрсатиб беради.

Хулоса қиладиган бўлсак, Ҳаким Термизий “ал-Фуруқ” асарида фақиҳларнинг ислом ҳуқуқи далилларидан – қиёснинг тўғри қўлланилиши бўйича ўз тавсияларини беради. Бунда у қиёс қилувчи фақиҳ эга бўлиши лозим сифатларни баён қилган ҳолда, ҳақиқий қиёс орқали чиқарилган ҳукмларнинг ҳолатини очиб беради. Асарда машҳур фақиҳлар чиқарган ва кенг тарқалган фиқҳий ҳукмларни таҳлил қилиш ва улар бўйича ўз ечимини беришдан чўчимайди. Термизий фиқҳни ҳикмат илми билан боғлаган ҳолда муолажа қилиш масаласини илгари суради. Умуман олганда, Ҳаким Термизий ўзининг фиқҳий мазмундаги асарларида ислом ҳуқуқига оид айрим масалаларни ҳикмат – илм ал-ботин асосида ислоҳ қилишни мақсад қилади. Термизийнинг қиёсга оид фикрлари унинг бошқа асарларида ҳам учрайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ҳаким Термизий. Ал-Фуруқ ва манъ ат-тародуф. – Ажуза: Мактабат ал-иман, 2005.
2. Абу Зайд Дабусий. Тақвим ал-адилла. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 2001.

MUNDARIJA

So‘zboshi 3

MANBASHUNOSLIK, TIL VA ADABIYOT

J. Özlem Oktay Çerezci. WOMEN ACCORDING TO THE ART WORKS OF UZBEKISTAN GOKTURK PERIOD..... 5

Ismatova Nargiza Adxamovna. XIX ASR IKKINCHI YARMI – XX ASR BOSHLARI BUXORO AMIRLIGIDA VAQF SUBYEKTLARI HOLATI 12

Rahimov Komiljon Rahmatovich. XOJA ORIF REVGARIY VA UNING «ORIFNOMA» ASARI QO‘LYOZMA NUSXALARI HAQIDA 19

Usmonov Ibrohim Sobirovich. HAKIM TERMIZIYNING “AL-FURUQ” KITOBIDA QIYOS – FIQHIY DALILI BAYONI 32

To‘rayev Laziz Abdivali o‘g‘li. “RABI’ AL-ABROR” ASARINING TARKIBIY TUZILISHI VA UNING MANBALARI..... 38

Saishanhuli W. TRANSLATION AND STUDY OF THE LITERATURE OF ABAY IN CHINESE 50

Abdullaev Botirjon. ABU RAYHON BERUNIYNING “TAFHIM” ASARI NUSXALARINING TOSHKENT VA DUSHANBE FAKSIMIL NASHRLARI HAQIDA 63

Agzamova Muhabbatxon Mirtoxirovna. “AL-KOMIL FIT-TARIX” ASARINING MANBAVIY ASOSLARI 72

Axmatov Amonkeldi. BUXORO ADABIY MUHIITINI O‘RGANISh MANBALARI 76

Baqoyev Umidjon Shuhrat o‘g‘li. MUHAMMAD TOLIBNING “MATLAB UT-TOLIBIN” ASARI ASHTARXONIYLAR VA BOBURIYLAR SULOLASI DIPLOMATIK MUNOSABATLARINI O‘RGANISHDA MUHIM MANBA SIFATIDA 80

Burgutxonov Saidumarxon. IBN HAZM ANDALUSIYNING “AL-FISOL” ASARIDA ISLOMDAGI YO‘NALISH VA FIRQALARNING YORITILISHIDAGI O‘ZIGA XOSLIKLAR 84

Diniqulov Abror Gulboy o‘g‘li. SHART MAYLIDAGI ARAB MAQOLLARINI O‘ZBEK TILIGA TARJIMA QILISH USULLARI 89

Jumaniyazov Mansur Davlatbayevich. ZIYOVUDDIN MAKKIY XORAZMIYNING «KIFAYATU-N-NAHV FI ILMI-L-E’RĀB» ASARINING TARKIBI 93

Ismoilov Mas’udxon Maxdievich. XOJA MUHAMMAD PORSONING “TAHQIQOT” ASARIDA KALOM VA TASAVVUFNING NAZARIY MASALALARI UYG‘UNLIGI 108

Mirzayeva Maftuna Murodillo qizi. XVI-XVII ASRLARDAGI HUKM HUJJATLARINING STRUKTURAVIY JIHATLARI 114

Murodova Risolat Davron qizi. MUZEYLARDA AMALIY SAN’AT BUYUMLARINING KONSERVATSIYA VA RESTAVRATSIYA ASPEKTLARI 119

Nasirillayeva Nodirabegim Furqat qizi. BIBLIOGRAF OLIM ABDULLA NOSIROV VA UNING “BILKAT” ASARI HAQIDA 125
Oripov Davronbek. “O‘G‘UZNOMA“DAGI OYQOG‘ON OBRAZI VA UNING “KITABI DADAM QO‘RQUD”DAGI OBRAZLARGA TA’SIRI 129
Ravshanov Alijon. ZAMONAVIY MOLIYAVIY MASALALARGA BAG‘IShLANGAN FIQHIY ASARLAR TAHLILI 134
Samsakova Husniyaxon Xalxodjayeva. BOBOXONOVLAR SHAXSIY KUTUBXONASIDAGI QO‘LYOZMALARNING DASTLABKI TAHLILI 142
Sirojiddinova Maftuna Baxodirovna. ARABSHOHIYLAR SAROY DEVONIGA TEGISHLI QONUNChILIK AKTLARI (dastlabki tahlil natijalari) 147
Sulaymonova Hulkar Mo‘minjonovna. “AR-RASAIL” ASARINING GERMANIYA FONDLARIDA SAQLANAYATGAN QO‘LYOZMALARI XUSUSIDA 153
Umaraliyev Sherzodjon Abdulaxat o‘g‘li. SIROJUDDIN O‘SHIY “FATOVOI SIROJIYA” ASARIGA MUROJAAT ETGAN HANAFIY MAZHABI MANBALARI 159

TARIX VA TARIXSHUNOSLIK MASALALRI

Hulstine Matthew. CONVERGING NARRATIVES: THE SIGNIFICANCE OF ‘ALIMQUL’S FALL ..165
Azimov Xurshid. QADIMGI XITOY MANBALARIDA MARKAZIY OSIYO DAVLATLARINING JOYLASHUV “XARITASI” 171
Ahmedova Dilafruz. BUXORO AMIRLIGI DIPLOMATIK MUNOSABATLARINING “INSHO” MAJMUALARIDA YORITILISHI 175
Idiyev Akbar Avaz o‘g‘li. SHAYBONIYLAR DAVRI SIYOSIY JARAYONLARIDA ETNIK BIRLIKLARNING ARALASHUVIGA DOIR 180
Kamoliddinov Farrux Burxoniddin o‘g‘li. MARKAZIY OSIYO RESPUBLIKALARINI FORS KO‘RFAZI ARAB DAVLATLARI BILAN ALOQALARINING QAYTA BOSHLANISHI TARIXIGA NAZAR 185
Karimov Sherzod Shavkat o‘g‘li. TEMURIYLAR DAVLAT BOSHQARUVIDA XOJA MAJDUDDIN MUHAMMADNING TUTGAN O‘RNI 189
Karimova Miyassar Jamoldinovna. O‘RTA OSIYOLIK SAVDOGARLARNING SHARQ MAMLAKATLARI BILAN SAVDO ALOQALARI 196
Ostonov Jahongir Davlatovich. FRANSUZ SHARQSHUNOSI POL PELYONING ILMIY FAOLIYATIGA NAZAR 205
Pilipchuk Yaroslav Valentinovich. ГОСУДАРСТВЕННОСТЬ И ЭТНИЧНОСТЬ УСУНЕЙ 210
Tojiyev Doston Beknazar o‘g‘li. TURKIY DAVLATLAR TASHKILOTI DOIRASIDAGI HAMKORLIK: ILMIY-MADANIY HAMDA SIYOSIY SOHALAR MISOLIDA 216
Fayzullayev Farrux Eshqabulovich. UBAYDULLAXONNING MUHAMMAD SHAYBONIYXON YURISHLARIDA ISHTIROKI 223
Xayrullayeva Iroda Faxriddinovna. HIND XOTIN-QIZLAR TA’LIMI EVOLYUSIYASI (JAMMU VA KASHMIR MISOLIDA) 230

Xakimova Nigora. ZAMONAVIY TADQIQOTLARDA «MAHOSIN» ASARI O‘RGANILISHINING TAHLILI 237
Xusnutdinov Flipp Romanovich. МЕЖДУ ПОЭЗИЕЙ И ПОЛИТИКОЙ: ПОЧЕМУ ЛИДЕР ТУРКЕСТАНСКОЙ ДИАСПОРЫ В САУДОВСКОЙ АРАВИИ УПОДОБЛЯЛ СОВЕТСКОЕ ГОСУДАРСТВО СОВЕ? 242
Ermatova Mushtariy Abdulla qizi. QO‘QON XONLIGINI O‘RGANISHGA OID YANGICHA QARASH VA YONDASHUVLAR 248
Yakubov Qahramon Karimdjanovich. XIVA XONLIGI MADRASALARI TARIXINING ZAMONAVIY TARIXSHUNOSLIKDA YORITILISHI: YANGICHA YO‘NALISH VA YONDASHUVLAR 254
Qorayev Sherxon Po‘latxonovich. MANBALARDA BUXORO AMIRI ABDULAHADXON IJODI VA ADABIY KECHALARI TARIXI 262
G‘oyibnazarova Mahmuda O‘ktamjon qizi. “OYINA” JURNALIDA TURKISTONDAGI IQTISODIY MASALALARNING YORITILISHI 267
G‘ofurov Jasur Isaqovich. USTRUSHONA QISHLOQ MAKONLARINING ME’MORIY – QURILISH LOYIHASI VA USULLARI XUSUSIDA (V-VIII ASRLAR) 272
Abdupattaev Mo‘min Mirzo Murodjon o‘g‘li. MUHAMMAD IBN AHMAD XORAZMIYNING DINSHUNOSLIKKA OID QARASHLARI..... 278

«SHARQSHUNOSLIK SOHALARINI TADQIQ ETISHNING DOLZARB MASALALARI» MAVZUSIDA YOSH SHARQSHUNOSLARNING AKADEMIK UBAYDULLA KARIMOV NOMIDAGI XIX RESPUBLIKA ILMIY–AMALIY KONFERENSIYASI

TO‘PLAMI

Muharrir
Bunyod Pattayev

Badiiy muharrir
Murodillo Rahmonov

Musahhih
Jasur Qutbiddinov

Sahifalovchi
Doniyor Murodov

O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi Abu Rayhon Beruniy nomidagi Sharqshunoslik instituti Ilmiy kengashining 2024-yil 3-maydagi 5-sonli majlisi qarori asosida nashrga tavsiya etilgan.

Nashriyot litsenziyasi № 7538, 25.05.2022-y.
20.05.2023-yilda bosishga ruxsat etildi.
Qog‘oz bichimi 60x84 $^{1}/_{16}$. “Cambria” garniturasi.
Shartli bosma tabog‘i 20. Adadi: nusxa.
Buyurtma raqami №: 14-24.
O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi
“Fan” nashriyoti davlat korxonasida
nashrga tayyorlandi va chop etildi.
100047, Toshkent sh., Yahyo G‘ulomov ko‘chasi, 70-uy. Tel.:
+99899 7917555, +99871 2622154